# МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Маънавият ва маърифат маркази Марғилон шаҳар бўлинмаси, шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкорликда шаҳримиздаги "Увайсий" уй музейида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўллари” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир доирасида обрў-эътиборли, билимли, оила ва жамиятда фаол бўлган хотин-қизлардан таркиб топган "Оқила аёллар ҳаракати"нинг 1 йиллиги муносабати билан кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга кайвони онахонлар таклиф этилиб, шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалари билан тақдирландилар.

Тадбир давомида Мусиқали мақом театрининг соҳирнафас санъаткорлари ижросида янграган дилтортар куй ва қўшиқлар ҳамда миллий либослар кўргазмаси тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

Тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларга маърифат улашиш, ажралишларини олдини олиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, миллий қадриятларимизни ва урф-одатларимизни ёшларга етказиш ҳамда комил инсон қилиб тарбиялашдан иборат бўлди.

2023-08-09 12:09:14